

## Тонгда ва кеч кирганда айтиладиган дуо



14:20 / 16.12.2022 4005

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:  
Набий соллаллоху алайҳи васаллам тонг отганида:

رُؤِشُنْ لِّلْكَفِّ لِيْلْ اَوْ تُوْمَنْ كَبَّوْ اِيْحَنْ كَبَّوْ اِنِّيْ سَمَّ اُكَبَّوْ اِنْ حَبَّ صَا اُكَبَّوْ مُهَلَلْ

«Аллоҳумма бика асбаҳна ва бика амсайна ва бика наҳйа ва бика намуту ва илайкан нушур» (Аллоҳим, Сенинг номинг ила тонг оттирдик, Сенинг номинг ила кеч киргиздик. Сенинг номинг ила тириламиз ва Сенинг номинг ила ўламиз. Ва Сенга қайтажакмиз), дер эдилар. Кеч кирганида эса:

رُؤِشُنْ لِّلْكَفِّ لِيْلْ اَوْ تُوْمَنْ كَبَّوْ اِيْحَنْ كَبَّوْ اِنِّيْ سَمَّ اُكَبَّوْ مُهَلَلْ

«Аллоҳумма бика амсайнаа ва бика наҳйаа ва бика намууту ва илайкан нушур» (Аллоҳим, Сенинг номинг ила кеч киргиздик. Сенинг номинг ила тириламиз ва Сенинг номинг ила вафот этамиз. Ва Сенга қайтажакмиз),

деб айтар эдилар.

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва бошқаларнинг саҳиҳ санад билан қилган ривояти.